

қўйилиши ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳислатларини юксалтиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мутафаккирлар ижодини ўрганиш ўқувчиларнинг баркамол авлод вакиллари сифатида шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам ушбу бой илмий, фалсафий, тарихий, бадиий мерос мазмунидан юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш жараёнида самарали педагогик усуллардан фойдаланиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Библиографик рўйхат

1. Аликулова М.М., Ҳакимов Н.Ҳ., Қурбонов Б.Н. “VIII-IX синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштириш методикаси”. Услубий қўлланма. ЎзПФТИ, сентябрь, Тошкент – 2015. -148 б.

БОЛАЛАР ХУЛҚИДА ПАЙДО БЎЛГАН НЕГАТИВ АХЛОҚИЙ ШАКЛЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРИ

З. О. Муминов

*Уқитувчи,
Наманган давлат университети,
Наманган, Ўзбекистон*

Summary. The article mentions the adolescence of children in adolescence as a transformation from childhood to physiological development, with a dramatic acceleration of sexual maturation and negative emotions in adolescents. It also describes the socio-pedagogical factors of children's self-esteem, shaping similarities with peers and preventing negative attitudes in their education.

Keywords: adolescents; children; education; negative behaviors; socio-pedagogical; factors.

Ижтимоий жамиятда инсоннинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир вояга етмаган бола улғайгач, ўз ҳаётининг бахт-саодатини таъминлаш учун ижтимоий жамиятдаги ўрнини эгаллаш зарурияти пайдо бўлади. Бу ўринга ўзида уч ахлоқий хусусиятни мужассамлаштирган инсонгина эгалик қилади. Улар: тансиҳатлик, соғлом фикр ва яхши ахлоқдан иборат. Шу уч нарсанинг биттасидан ҳам маҳрум бўлган одам ўз ҳаётининг бахт-саодатини таъминлай олиши муқаррар. Бошқа ибора билан айтганда, бахт-саодат жисмонан соғлом, соғлом фикрли ва чиройли хулқли инсонга насиб этади, шу жиҳатларга эга бўлган кишилар турли хил бадбахтликларни муносиб кутиб оладилар.

Фарзандининг бахтсиз бўлишини истамаган ҳар бир ота уни мустақил ҳаётга қўйиб юборишдан олдин шу мазкур учта ахлоқий ҳислат билан қуроллантириб қўйиши керак. Тарбиянинг маҳсули ҳам шундай,

яъни одамни тарбия қилиш уни жисмонан, фикран ва хулқан камолга етказиб, саодатга эришишга қобил қилишдан иборат. Инсон бешикдан то қабргача тарбия олиш қобилиятига эга бўлса-да, лекин уни болалиқдан тарбиялаш жуда муҳимдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар юксалишларига эътибор бериб қараладиган бўлса, уларнинг негизида ёш авлод тарбияси турганлигини англаш қийин эмас. Чунки, Ватанимизнинг порлоқ келажаги вояга етаётган фарзандларимиз кўлида. Дунё миқёсида ҳар соҳада беллаша оладиган интеллектуал салоҳиятли, замон билан ҳамнафас, кучли, билимдон ёшларимиз комилликнинг илк чўққиларини забт этаётгани қалбларимизда ифтихор туйғуларини уйғотади.

Олимлар ижтимоийлашув деганда фуқаровий ва ахлоқий тарбияни тушунишади. Шунингдек, бир гуруҳ олимлар шахс ижтимоийлашувини тарбиянинг асосий мақсади деб ҳисоблашади. Бироқ тарбия бола ижтимоийлашувининг асосий омилларидандир. Тарбиянинг асосида ижтимоий ҳаракат бўлиши, уни ижтимоийлашувдан фарқлайди.

Умуман олганда, ижтимоийлашув узлуксиз жараён дир, яъни инсон доимо жамият билан муносабатда бўлади. Тарбия эса узлукли жараён дир. Чунки у муайян ташкилотларда амалга оширилиб, замон ва маконда чекланган бўлади. Жумладан, ўсмир болалар тарбиясида салбий хулқнинг олдини олишнинг ижтимоий-педагогик омиллари сифатида ижтимоий ҳодиса, фаолият, жараён, қадрият, тизим, таъсир, ўзаро муносабат сифатида кўриб чиқсак бўлади.

Вояга етмаган болаларнинг ўсмирлик даврининг ўзига хослиги, болалиқдан катталиқка ўтиш д ир. Бу давр физиологик ривожланиш ва жинсий етилишнинг кескин жадаллашуви даври д ир. Бу даврга ўсмирлар томонидан шахс салбий хулқининг намоён бўлиши ва уларнинг алмашилиб туриши: гоҳ мулоқотга киришувчан, гоҳ акси, гоҳ қувнок, гоҳ эса ғамгин ва шу кабилар д ир.

Вояга етмаган ўсмирнинг асосий мақсади – ўз-ўзини англаш ва ўхшашликни шакллантириш (тенгдошларидек бўлиш). Болалиқдан катталиқка ўтиш ҳаммада ҳам текис кечавермайди. Бу ёшда жинсий етилиш натижасида бола организмида ва рухиятида сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Бу боланинг қизиқишлар соҳасини анчагина ўзгартиради. Бунда қизиқишлар ривожининг икки хусусиятини кўришимиз мумкин:

Бир томондан – янги қизиқишлар ва майлларнинг пайдо бўлиши: ижтимоий ҳаётга, техникага, қахрамонлик ва саргузаштларга бой китобларни ўқишга, кўпчиликда спортга қизиқиш кучаяди;

1. Иккинчи томондан – аввал ўрнатилган қизиқишлар тизимининг йўқолиши: ундаги негативизм, қарама-қарши характер шундандир [2, б. 308–309].

Шу икки хусусиятнинг уйғунлашуви бир қарашда ғалати фактни – қизиқишлар камайиши ёки баъзан умуман йўқолишини характерлайди. Бу вайрон этувчи фаза давомида ўсмир ўз болалигига барҳам беради. Бу

фазага пессимистлик, жамоа билан алоқаларнинг бузилиши, болалар орасидаги олдинги ўрнатилган муносабатларнинг узилиши, шу билан бирга дўстона муносабатлар ҳам, ёлғизликка интилиш, бошқа инсонларга бўлган муносабатларнинг кескин ўзгариши, жамият хулқ-атвор қоидаларига бўйсунмаслик кабилар хосдир.

2. Кўпчилик ўсмирлар индивидуал йўналишда намоён бўлади. У билан биргаликда индивидуалликнинг чўққиси ўрта ёшдаги ўсмирларга тўғри келади, катта ёшдаги ўсмирларга келганда эса унинг нисбати камая боради; ўзининг манфаатларига дахлдор бўлган шахсларнинг ҳаёти билангина қизиқадилар. Инсонпарварлик руҳидаги қизлар сони ўғил болалардан ортиқроқ, шу билан биргаликда ўз манфаатини устун қўювчи – эгоист болалар сони кўпроқ бўлади [3, б. 204]. Бу тафовутлар жамиятнинг аёллар ва эркаклар учун яратган роллари билан боғлиқдир. Жамият аёл кишидан кўпроқ интизомлиликни ҳамда мустақилликка нисбатан итоаткорликни, ўзгалар дардига ҳамдард бўлишини, бошқаларни фикрини ўз фикрига нисбатан устун қўйишни кутади. Аёл киши кўп жиҳатдан итоаткор, сабрли, кечиримли ва қўнувчан бўлиши керак. Бу хислатлар кўп жиҳатдан шахснинг инсонпарвар йўналишига хосдир. Эракак кишига мардлик, фаоллик, мустақиллик, агрессив хатти-ҳаракат ва кўпроқ мустақил фикрлаш ва фаолият кўрсатишдир. Шунинг учун унинг хатти-ҳаракатларига индивидуаллик хос бўлади.

Ўғил болаларда салбий хислатлар қизларга нисбатан кечроқ намоён бўла бошлайди (бу уларни физиологик жиҳатдан кечроқ етилиши билан боғлиқ), лекин улар жўшқин ва узок давом этади.

Ўсмирларнинг мотивацион соҳасида жуда муҳим ўзгаришлар юз беради, бунда улар ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларига ҳамда ўзларига қўйган талабларига ахлокий хатти-ҳаракатларини сезиларли даражада бошқара оладиган бўлиб қолишади. Шундай қилиб ташқи муҳит талабига реактив эргашишдан, ўзининг хулқини ўзининг шахсий идеалларига фаол мувофиқлаштиришга ўтиш юз беради.

Ўсмирларда мақсадлардаги муқимлик, етарли даражада ривожланган бурч, маъсулият хислари олдингига нисбатан кўпроқ кўзга ташланади. Эндиликда қизиқишлар бирор воқеа туфайли эмас, билимларни аста-секин тўплаш натижасида юзага келади. Қатор мотивларнинг муқимлиги, қизиқишлар ва ўқувчилар томонидан қўйилган мақсадларга асосланади. Кўпинча у-бу нарсага бўлган қизиқиш (хобби)ни келтириб чиқаради. Қизиқишсиз ўсмирлик ўйинсиз болаликка қиёсланади.

Ўсмирнинг қизиқиши кучли ва кўпинча бир-бирига алмашинувчан бўлади, лекин баъзан доимий тусга ҳам эга бўлади; одатда улар ўқиш жараёни билан боғлиқ бўлмайди. Бу қизиқишларнинг айримлари ўсмирни шахс сифатида етилишини таъминлайди, чунки улар ўсмирнинг билимга бўлган эҳтиёжларини қондиради ва унда фойдали кўникмалар шаклланишига олиб келади. Аммо маълум бир шахсга хос хусусиятларда улар шахсни эгри ривожланишига, вақтни беҳуда ўтказишга, жамоат қоидаларини бузиш

кабиларга олиб келади. “Азарт” ўйинлар ўйнаш, маст қилувчи ичимликлар ичиш, наркотик ҳақида гапиришнинг хожати бўлмаса керак.

Идеаллар, ўзига баҳо беришнинг, жамиятда ўзини тутишнинг ўзлаштирилган меъёр ва қоидаларининг мавжудлиги ўсмир шахсининг сезиларли даражада ривожланганлигидан, мотивациясида ва ўзининг хатти-ҳаракатларини ташкил этишда жиддий омил бўлувчи «ички режанинг» шаклланишидан далолат беради. Аммо бу «ички режа» ягона тизимга айланмаган, етарли даражада умумлашмаган ва муқим бўлмайди. Мавжуд идеал муқим бўлмайди ва тез-тез ўзгариб туради.

Ўсмирнинг ўзига бўлган талаблари доимий ташқаридан қўллаб-қувватлашларга мухтож бўлади. Қатор мотивларнинг муқим эмаслиги, гаплари ва хатти-ҳаракатларининг ўзгарувчанлиги ҳам шу ердандир. Бундан ташқари ушбу ёшдагиларга ўйланган масалаларни омадсизликка учрашига сабаб бўлувчи юқори талабларнинг қўйилишидан далолат берувчи, мақсадларнинг имкониятлар билан мос эмаслиги характерлидир.

Катта ёшдаги ўсмирларни атрофидагиларнинг фикрига нисбатан кўпроқ ўз фикрида қолиши, уларнинг мотивлари авваламбор ўзининг шахсий фикрини ҳисобга олган ҳолда шаклланишига олиб келади ва охир оқибат уларнинг қайсарликларида намоён бўлади.

Кичик ёшдаги ўсмирларда мактаб чегараларидан ташқарига чиқиш, катталар ҳаётига қўшилиш, шунингдек ижтимоий муҳитда ўз ўрнини топиб уни ҳимоя қилиш каби янги эҳтиёжлар вужудга келади. Юқоридаги эҳтиёжлар фақат етакчи фаолият (ўқиш) ўзгаргандагина қондирилади.

Хулоса сифатида, маърифатли оила болаларининг тарбияси хусусида жиддий шуғулланади ва улар тарбиясини узлуксиз назорат қилади. Тарбия ўсмирнинг тўғри ривожланишига асос бўлади. Ота-она, ўқитувчи, тарбиячилар шуни унутмаслик керак, ўсмирнинг ривожланиши у учун энг оғир ҳаётий жараён. Ўсмирни ўсиши натижасида, уни хотираси, нутқи, ҳис-туйғулари ўсади. Ҳар бир одамнинг бу даври атроф муҳит, ижтимоий ривожланиш билан, қобилияти ва қолаверса боланинг рухияти ва унинг яқинлари билан боғлиқ. Бу сабаблар шахсни тубдан ўзгартириши мумкин.

Библиографик рўйхат

1. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. (Ж.V: Илмий рисоалар). Маънавият. – Тошкент, 2010. –304 б.
2. Аварин В.А. Психология детей и подростков. – Санкт-Петербург, 1998. с. 308-309
3. Махмудов Р.М. ва б. Педагогика. Маърузалар курси. ЎЗИИВ Академияси. - Тошкент, 2014. - 204 б.

